LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят Фарғона шахар 150100. Б.Маргинoний 147 – 4 офис
Тел.моб (91) 651 80 13 (94) 448 20 60 (95) 400-80-13 Факс: (0373) 241 64 48 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru
Лицензия АФ № 00327 Ўз.Рес. Молия Вазирлиги томонидан 25.02.2008 йилда берилган

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Хулоса санаси. **30 апрел 2018 йил**

"BARAKA" investisiya fondi
А/Ж раҳбариятига

Манзил: **"BARAKA" investisiya fondi А/Ж.** 150100. Фаргона шахар Қомус куча 40 уй. ТИФ Миллий банк . Х/р 20216 000 900 671 798 001. МФО 00493 ИНН 202167670. ОКЭД 66300 (фондни бошкариш)

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шахри Б.Маргиноний-147 уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, ОКЭД 69.20.2, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош директори бош аудитор САР **Ботиров М.Х** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05052 28.08.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **""BARAKA" investisiya fondi акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия баланси" Ф-1, "Молиявий натижалар" Ф-2 , "Хусусий капитал" ва "Пул оқимлари тўгрисида"ги хисобот шаклларидан иборат 2017 йил 01 январидан- 2017 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"BARAKA" investisiya fondi акциядорлик жамияти** томондан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган **"BARAKA" investisiya fondi акциядорлик жамиятининг** 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилот бош директори
бош аудитор. САР

Ботиров М.Х.
Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган